



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ФАЙЗИЕВ Олим**

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ  
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ  
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА ..... 7

**2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
КАФОЛАТЛАРИ ..... 18

**4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич**

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ  
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 29

**5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 38

**6. НОДИРОВ Давурхон Икромович**

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН  
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

**7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич**

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.  
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**8. ОКЮЛОВ Омонбой**

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК  
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ ..... 55

**9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 65

**9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна**

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ  
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 71

**10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон**

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР ..... 76

**11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович**

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

**12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА  
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 89

**13. KHUSAINOVA Rano**

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**  
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**  
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:  
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ..... 109

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**  
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ  
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**  
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ  
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ..... 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**  
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**  
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ..... 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**  
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ ..... 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**  
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР  
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**  
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ  
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**  
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 174

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси  
E-mail: abduganiyevx@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АБДУҒАНИЕВ Х.Т ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 89–94.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-13>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида товар белгиларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчиликни таҳлил қилиш, соҳада мавжуд муаммоли ҳолатларни аниқлашга қаратилган. Шунингдек, мақолада кўп томонлама устуворлик ҳуқуқи ҳуқуқий тушунчасининг мазмун моҳияти ҳамда амалиётга жорий қилиш зарурияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** товар белгиси, кўп томонлама устуворлик ҳуқуқи, “биринчи талабнома бериш”, ҳосила белги, қарам белги, мураккаблашган белги, лицензия шартномаси.

**АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун угли**  
Самостоятельный соискатель Высшей школы судей  
при Высшем судейском совете Республики Узбекистан  
E-mail: abduganiyevx@mail.ru

## ПУТИ РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

Данная статья направлена на анализ законодательства в области защиты товарных знаков в Республике Узбекистан, выявление существующих проблем в этой сфере. В статье, также, освещаются содержание правовой концепции права многостороннего приоритета и необходимость реализации ее на практике.

**Ключевые слова:** товарный знак, многостороннее приоритетное право, «первая подача», производный знак, зависимый знак, комплексный знак, лицензионное соглашение.

ABDUGANIEV Khurshidjon

High School of Judges under Supreme Judicial Council of the  
Republic of Uzbekistan, independent researcherE-mail: [abduganiyevx@mail.ru](mailto:abduganiyevx@mail.ru)**WAYS FOR DEVELOPING LEGISLATION IN THE FIELD OF PROTECTING  
TRADEMARKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN****ANNOTATION**

This article is aimed at analyzing the legislation in the field of trademark protection in the Republic of Uzbekistan, the emergence of a growing problem in this area. The state highlights the content of the legal concept of the law of multilateral priority and the need to implement it in practice.

**Keywords:** trademark, multiple priority, first filing, derivative mark, dependent mark, complex mark, license agreement.

Ҳозирда дунёда ўзгаришлар ва ривожланиш жуда тезлик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистондан ҳам амалга ошириб келинаётган ислохотлар, авваламбор, миллий иқтисодий тимизни юксалтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шу орқали тадбиркорлик фаолияти ривожига кенг йўл очиб беришга қаратилган. Ишлаб чиқарувчиларнинг товарларни диверсификация қилиш ва уларнинг ўз товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни муҳофаза қилиш мазкур соҳадаги устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.

Мазкур ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш учун эса аниқ бир стратегияни белгилаб олиш зарур ҳисобланади. Мазкур фикрни ҳозирги кунда бир қатор назариятчи олимлар ҳамда амалиётчилар таъкидлашмоқда. Илғор давлатлар тажрибасида ҳам мазкур миллий стратегияга эга бўлиш ва бу орқали интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясини кучайтириш амалияти мавжуд. Жумладан, Япония, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Австралия каби илғор мамлакатларда интеллектуал мулк соҳасини такомиллаштириш ва бу орқали иқтисодийни кучайтириш бўйича махсус дастурлар қабул қилинган. Бундай стратегияларни тузиш учун эса аввало қонунчиликни таҳлил қилиш, ундаги муаммоли ҳолатларни аниқлаш зарур ҳисобланади. Мазкур мақоладан кўзланган мақсад ҳам қонунчиликни таҳлил қилиш орқали ундаги муаммоли ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича фикр-мулоҳаза юритиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш тартибига асосан товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин ҳисобланади. Бироқ, биз чет эл амалиётига назар соладиган бўлсак, Испания Қироллиги ва Хитой Халқ Республикасида мавжуд қонунчиликка кўра товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига амалда ишлаб чиқариш ёки тижорат фаолияти билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахслар эга ҳисобланади [1]. Амалда ишлаб чиқариш ёки тижорат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш амалиётини Ўзбекистон Республикасида ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, кўп томонлама устуворлик ҳуқуқи (“multiple priority”) асосида товар белгисини рўйхатдан ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз аксини топмаганлигида. Мисол учун, Молдавия Республикасининг “Товар белгилари бўйича талабномаларни топшириш, экспертизадан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-банд 14-кичик бандига асосан аризачи кўп томонлама устуворлик ҳуқуқи (“multiple priority”) асосида товар белгисини рўйхатдан ўтказишни сўраганда, аризачи ҳар бир устуворлик бериладиган белги учун алоҳида-алоҳида бож тўлаши белгиланган [2, Б.4]. Сингапур қонунчилигига кўра эса кўп томонлама устуворлик ҳуқуқини сўраган шахс “биринчи талабнома бериш” (first filing) тамойилига амал қилиши лозим ҳисобланади.

Мисол учун, агар аризачи 2017 йил 1 январда Таиландга талабнома топшириб, 2017 йил 5 апрелда Хитойга талабнома топшириб, 2017 йилнинг августида Сингапурга кўп томонлама устуворликни сўраб ариза топширганда, унинг аризаси рад этилади [3, Б.29-30]. Чунки у кўп томонлама устуворликни сўраб фақатгина биринчи талабнома берилган кундан бошлаб 6 ой

давомида ариза бериши мумкин ҳисобланади.

Шунингдек, аризачи 01.01.2017 йилда Таиландга “А” товар белгиси учун талабнома топшириб, 03.03.2017 йилда Хитойга “Б” товар белгиси учун талабнома топширди. Май ойида эса “А” ва “Б” товар белгилари учун кўп томонлама устуворликни сўраб Сингапурга ариза топширди. Бундай ҳолатда Сингапур қонунчилиги бўйича “А” товар белгисига “01.01.2017 йил” санаси билан, “Б” товар белгисига “03.03.2017 йил” санаси билан кўп томонлама устуворлик берилади. Яъни ҳар бир товар белгиси биринчи талабнома берилган сана бўйича устуворликни қўлга киритади.

Бу амалиётнинг фойдали жиҳати шундаки, товар белгиси эгаси турли товар белгилари учун устуворликни олиш муддати қисқаради ва устуворлик муддатларини тезроқ қўлга киритадилар. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги экспертлари ҳам товар белгилари бўйича экспертиза ўтказишлари осонлашади, яъни ҳар бир товар белгиси бўйича алоҳида-алоҳида экспертиза қилишни талаб этмайди. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳам кўп томонлама устуворлик бериш масаласини киритиш керак деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг товар белгилари бобида ҳамда қонунларда ҳосила белгилар ёки қарам белгилар тушунчаси акс еттирилмаган. Аммо, ўхшаш ҳуқуқий тузилиш Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда - ФК) муаллифлик ҳуқуқи бобида ҳосила белгилар - бу таржималар, ишланма белгилар, мухтасар белгилар, соддалаштиришлар ҳамда белгиларнинг бошқа қайта ишланмалари [4] деб таъриф берилган. ФКнинг 1048-моддаси иккинчи қисмида ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя етган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади деб белгиланган. Аммо, ФКнинг 1048-моддасида кўрсатилган қонунларда товар белгиси бобидаги моддаларда ўрнатилмаган.

Бундан ташқари, ўхшаш нормалар ФКнинг турдош ҳуқуқлар бобининг 1077-моддаси тўртинчи қисмида “Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро етиладиган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя етган ҳолда амалга оширишлари керак” [4] деб кўрсатилган.

Шунингдек, ФКнинг турдош ҳуқуқлар бобининг 1079-моддаси бешинчи қисмида “Эфир ёки кабел орқали кўрсатув ёхуд ешиттириш берувчи ташкилотлар ўз ҳуқуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг ижрочилари ҳуқуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабел орқали кўрсатув ёхуд ешиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига риоя етган ҳолда амалга оширишлари керак” [4].

Юқорида одексдан келтирилган моддалар шундан дарак берадики муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бир ҳимоя объектида бошқаларнинг объекти ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қоидалар ўрнатилган. Аммо, товар белгилари ҳуқуқида қарам белги ёки ҳосила белги тўғрисидаги қоидалар ўрнатилмаган.


Қандай ҳолларда товар белгисини қарам белги деб ҳисоблаш мумкин ва унга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш ва тасарруф қилишда қандай таъсир қилади деган савол туғилиши мумкин.

Биринчидан, қарам белгиларга мураккаблашган белгилар ҳам киради яъни, тасвирлар, сўзлар, шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси ўн учинчи бандида Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка ега бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди дейилган [5]. Бунга кўра, битта шахс ўзининг иккинчи товар белгисини қамраб оладиган бошқа товар белгисини ўтказиши мумкинлиги тўғрисида юридик таъқиқ йўқлигини англаш мумкин.

Бундай белгиларни юқоридаги қоидага асосан жамланма белги эмас мураккаблашган белги деб ҳисобласак бўлади. Яъни мураккаблашган белги – бу олдин рўйхатдан ўтказилган белгида бошқа рўйхатдан ўтказилган белгининг қисмлари мавжуд бўлган белгилардир. Мисол учун қуйидагиларни келтириш мумкин:

1-расм

<p>А) Идеальный мир</p>	<p>В) </p>
-------------------------	---







1-расмда мураккаблашган белгилар: а) Гувоҳнома номери 168522, б) Гувоҳнома номери 186337 [6, Б.24].

Бундай белгилар истеъмолчилар ҳуқуқларини бузмайди чунки улар битта шахс томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Иккинчидан, қарам белги ёки хосила белгиларга бир вариантдаги ўхшаш белги бошқа вариантдаги белгилар ҳам бўлиши мумкин.

Бироқ амалиётда товар белгиларини сўзли белгиларни кирил алифбосида ва лотин алифбосида ўтказадилар ёки сўзлар ҳар хил кўринишда бўлади. Мисол учун, қуйидагиларни келтириш мумкин.

2-расм

<p>А) </p>	<p>В) </p>
<p>У) </p>	<p>Г) </p>
<p>Д) </p>	<p>Е) </p>

2-расмда вариантли товар белгилар: а) гувоҳнома номери 92587, б) гувоҳнома номери 92607, в) гувоҳнома номери 195619, г) гувоҳнома номери 133000, д) гувоҳнома номери 238116, е) гувоҳнома номери 304896 [6, Б.24].


Мазкур белгилар ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини бузмайди чунки улар битта шахс томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Учинчидан, қарам белгиларга розилик хати асосида товар белгисини рўйхатдан ўтказилган белгилар. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси тўртинчи бандида товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси егасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкинлиги белгиланган [5].

Бундай ҳолатларда розилик ҳар хил сабаб асосида олинган бўлиши мумкин. Мисол учун: ҳуқуқ эгаси ва аризачининг иқтисодий мафаатлари битта ҳудудда тадбиркорлик фаолиятида кесишмаганлиги; ҳуқуқ эгаси ва аризачининг иқтисодий манфаатлари айнан товар ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан кесишмаганлиги ва шу каби бошқа сабаблар бўлиши мумкин. Яъни, агар ҳуқуқ эгаси рўйхатдан ўтказилган ёки умум маълум товар белгисини адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни бошқа шахсга товар белгиси эгасининг розилиги асосида рўйхатдан ўтказиш мумкин.



3-расм



3-расм. Товар белгиси эгасининг розилиги асосида рўйхатдан ўтказилган: а) гувоҳнома номери 169485, б) гувоҳнома номери 296942 [6, Б.24].

Бундай ҳолларда ўхшаш товар белгилари истеъмолчилар томонидан адаштирилиши мумкин, чунки улар розилик хати ҳақида маълумотга эга бўлмайдилар. Асосий коллизиялар бундай ҳолатларда товар белгиси эгаси бошқа шахсларга ўз ҳуқуқини ўтказишида келиб чиқади.

Бундай ҳолларда, товар белгиси эгаси розилиги орқали ўхшаш белгини бошқа шахсга берганда олган шахснинг келажакда ўз фаолиятини кенгайтириб биринчи товар эгаси билан иқтисодий манфаатлари тўқнаш келиши мумкин. Бундан ташқари, улар ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга берганда истеъмолчилар ўртасида тушинмовчиликларга ва биринчи товар эгаси обрўйига зарар етказиши мумкин.

Шундай қилиб, қарам белгилар товар белги эгаси ва истеъмолчилар ўртасида ҳам ҳуқуқий томондан ҳам иқтисодий томондан мушкул саволлар пайдо бўлади. Чунки товар белгиси ўзининг асосий функцияси бўлмиш индивидуллаштириш хусусиятини йўқотади.

Бундан ташқари, товар белгисини лицензия шартномаси ва ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари орқали бошқа шахсга беришда Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатга ўтказишда шунга ўхшаш белги бор йўқлиги, розилик хати орқали берган бермаганлиги, вариантли белгилар бор йўқлиги тўғрисида экспертиза ўтказилмайди [7, Б.48]. Яъни товар белгисини лицензия шартномаси ва ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари орқали бошқа шахсга беришда қарам белгилар тўғрисида шартномада ҳеч қандай қоида ўрнатилмаган бўлади. Оқибатда товар белгисини олаётган шахснинг ҳуқуқлари бузилади ва товар белгиси эгаларининг манфаатлар тўқнашади.

Бундай муаммони олдини олиш учун юқорида келтирган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги нормаларни қарам товар белгиси деб фуқаролик кодексининг товар белгилари бобига боғлиқ ўхшаш нормалар киритиш керак.

Бундан ташқари, ФКда ўхшаш қоидаларни ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун, ФКнинг 393-моддасининг сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши шарт, сотиб олувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно [4].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ФКнинг товар белгилари тўғрисидаги бобга қарам белги, мураккаблашган белги, қарам товар белгиларига лицензия шартномаси ва ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини рўйхатга олишда учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно каби қоидалар киритиш керак.

Шунингдек, қарам товар белгиси гувоҳномаларига алоҳида кўрсатмалар киритиш керак. Лицензия шартномаси ва ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини рўйхатга олишда ҳосила белги, иккиламчи белги ёки мураккаб товар белгилар бўлса, қандай асосда ўтказилаётганлиги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ҳар томонлама экспертиза қилиниши керак.

Товар белгисини бошқа шахсга ўтказишда ҳосила белгилар тўғрисида маълумот киритилмаган бўлса ҳуқуқ эгасига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари ёки бошқа санкциялар қўлланишини бўйича ФКга алоҳида моддалар киритиш керак.

Хулоса қилиб айтиш керакки, товар белгиларини бошқа шахсга ўтказишда юқорида кўрсатилган қоидаларнинг йўқлиги келажакда истеъмолчилар ва товар белгиси эгаси ўртасида ишончсизликлар ва ноқонуний рақобатларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам ФК ва товар белгиси билан боғлиқ қонунчиликка киритиш учун кўйидаги таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди:

- амалда ишлаб чиқариш ёки тижорат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш амалиётини жорий қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўп томонлама устуворлик бериш масаласини киритиш;
- ФКнинг товар белгилари тўғрисидаги бобга қарам белги, мураккаблашган белги, қарам товар белгиларига лицензия шартномаси ва ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини рўйхатга олишда учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик берган ҳоллар бундан мустасно каби қоидалар киритиш.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. PAUL REESKAMP, Is Comparative Advertising a Trade Mark Issue? EIPR. – 2008.
2. Калачева Т. Л., Мамаева К. Товарный знак как средство индивидуализации в современном рыночном обороте. – Х.: Тихоокеанский государственный университет, 2013. (Kalacheva T. L., Mamaev K. Trademark as a means of individualization in modern market circulation. - X.: Pacific State University, 2013)
3. Рукина И.М., Филатов В.В. Роль интеллектуальной собственности и нематериальных активов в управлении инновационной экономикой на современном этапе. // Научно-практический журнал «Качество. Инновации. Образование» №10, 2012. (Rukina I.M, Filatov V.V. The role of intellectual property and intangible assets in the management of an innovative economy at current stage. // Scientific and practical journal “Quality. Innovation Education” No.10, 2012)
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм. 29.08.1996 // URL: <https://lex.uz/docs/180552> (Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Second part. 29.08.1996 // URL: <https://lex.uz/docs/180552>)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни 30.08.2001, 267-II-сон. // URL: <https://www.lex.uz/acts/24925> (Law of the Republic of Uzbekistan on trademarks, service marks and names of place of origin of goods. 30.08.2001, №267-II // URL: <https://www.lex.uz/acts/24925>)
6. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги йиллик ахборотномаси, 2014. (Annual Bulletin of the Intellectual Property Agency, 2014)
7. Нарзиев М. Интеллектуал мулк ҳуқуқий амалий муаммолари – Т.: ТДЮИ, 2012. (Narziev M. Legal and practical problems of intellectual property - T.: TSUL, 2012)